

Pearson ВТЕС Ўзбекистон 4-даражада

# Давлат ва хусусий секторда мъмурӣ қўллаб-қувватлаш


соҳаси бўйича

Малакалар

3-модул: Жамоани қўллаб-қувватлаш ва бошқариш

Ўқитувчи Ресурслари

1-нашр



## **Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси**

Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун [qualifications.pearson.com](http://qualifications.pearson.com) сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз [qualifications.pearson.com/contactus](http://qualifications.pearson.com/contactus) саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

## **Pearson ҳақида**

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги етакчи таълимга оид компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида [qualification.pearson.com](http://qualification.pearson.com) сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

*Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).*

*Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.*

ISBN 978 1 446 96432 3

Ушбу нашрдаги барча материаллар

© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади.

# Мундарижа

<b>Кириш</b>	<b>1</b>
<b>З-модул: Жамоани құллаб-қувватлаш ва бошқариш</b>	<b>3</b>
Үқув құлланма	3
Иш схемаси	11
Дарс режаси	29



# Кириш

Ушбу ресурс ўқув-услубий материали Pearson ВТЕС Ўзбекистон 4-даражада Давлат ва хусусий секторларида маъмурӣ қўллаб-кувватлаш соҳаси бўйича малакалар спецификациясига кўшимча ҳисобланади.

Спецификация сизга нима ўрганилиши ва нима баҳоланиши кераклигини кўрсатиб беради. Мазкур ресурс ўқув-услубий материали сизга буни қандай бажаришингиз тўғрисидаги таклиф ва ғояларни тақдим этади.

Ушбу ўқув-услубий материал сизга таълим бериш ва ўқитиш учун ғояларни, жумладан амалий тадбирларни, реал сценарийларни, иш берувчиларни мустақил ўқитишни тақдим этиш ва бошқаришга жалб этишни ҳамда тестларга тайёргарлик усувларини таклиф этади.

Шунингдек, ўқув-услубий материал сизга спецификациянинг ўз ичига олган маълумотларни амалда қандай ишлаши мумкинлигини кўрсатади ва сизни малакангиздан фойдаланишнинг турли усувлари ҳақида ўйлашга ундейди.

Мазкур ўқув-услубий материал сизга қуйидагиларни тақдим этади:

- малакадаги модулларни тақдим этиш учун йўриқнома
- малакадаги модуллар устида ишлаш учун тавсия этилувчи ресурслар
- бутун малака бўйлаб барча модулларда қамраб олинадиган мавзулар, тадбирлар ва баҳолашларни кўрсатувчи иш схемаси
- модуллардаги маълумотни қандай тақдим этиш тўғрисидаги батафсил йўриқномани ўз ичига оладиган дарс режалари

Ушбу ресурс ўқув-услубий материалидаги маълумот малакалар учун материалларни яратиш билан боғлиқ бўлган ўқитувчилар томонидан тўпланган, шунинг учун улар ВТЕС малакаларининг янги ва жалб этадиган усувларини излашнинг муаммоларини тушунадилар.

Мазкур ўқув-услубий материалдаги ўқитиш бўйича қўлланма сизга малакани тақдим этишни режалаштиришдаги эътиборга олиниши лозим бўлган маълумотни беради. Унда қуйидагилар ҳақида маълумот берилган:

- малакангизнинг тузилмаси
- ўқувчиларингиз учун малакани қандай белгилаб беришингиз мумкинлиги;
- тегишли иш берувчилар билан қандай боғланишнинг ҳақидаги таклиф;
- бошқа қўллаб-кувватлаш ва имконли ресурслар тўғрисида маълумот.

Биз сизга индивидуал қўлланма тақдим этмоқдамиз. У ўқув мақсадларига ва модул таркибига бўлган ёндашувлар ҳақида таклифларни ҳамда қизиқарли ва турли хил машғулотлар учун ғояларни ўз ичига олади. Сиз шунингдек, унда ўз топшириқ ва вазифаларингизни қандай режалаштириш ва бажариш тўғрисида маслаҳатлар ва ғояларни топишингиз мумкин.

Биз ҳар бир модул учун диққат билан саралаб олинган ресурслар рўйхатини киритдик. Ушбу ресурслар рўйхатига ўқувчиларингиз фойдаланиши учун ва ўзингиз ўқитишда қўшимча материал сифатида фойдаланишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеолар киритилган.

# З-модул: Жамоани қўллаб-қувватлаш ва бошқариш

## Ўқув қўлланма

### Модул билан танишиш

Мазкур модулнинг мақсади – ўқувчиларни жамоавий фаолиятнинг концепцияси билан, ташкилотни эса ишчи гуруҳларнинг афзаликлари билан таништиришдан иборат.

Ўқувчилар жамоалар ҳақидаги билимларни мактаб ёки коллеждаги тажрибалари, тадбиркорлик фаолиятидаги иштироклари ёки иш жараёнидаги тўлиқ ёхуд тўлиқ бўлмаган бандликлари орқали оладилар.

Ўқувчиларни турли жамоаларни ўрганишга ва бу жамоалар кўплаб шаклларда ҳамда кўплаб мақсадлар учун мавжуд бўлишини тушунишга унданг. Агар жамоалар тўғри бошқарилса, алоҳида шахсларнинг имкониятларини кенгайтиришга ҳамда иш ва қатнашувдан қониқишини оширишга ёрдамлашган ҳолда, бизнеснинг самарадорлигининг ошишига ёрдам беришлари мумкин. Бироқ, барча жамоалар ҳам муваффақиятга эришавермайдилар, чунки жамоадаги фаолият давомида низолар келиб чиқиши мумкин ва ўқувчилар уларни қандай бартараф этиш мумкинлигини билишлари лозим.

Ўз билимлари ва мавзуни тушунишларини кўрсатишлари учун, ўқувчилар турли жамоавий вазиятларда кўникумларини амалда синаб кўришнинг кўпгина имкониятларига эга бўлишлари керак.

Ушбу модулни ўзлаштиришлари учун ўқувчилардан бир қатор тадқиқот материалларидан, масалан интернет, журналлар, газеталар, китоблардан фойдаланиш имкониятлари бўлиши талаб этилади.

Мазкур модулда ўқитишнинг ҳар хил турларидан фойдаланиш мумкин, масалан:

- баҳс-мунозаралар – синфда ёки гуруҳларда, жамоалар ва гуруҳлар ўртасидаги фарқ тўғрисида, шунингдек ҳамкорликнинг марказлиги тўғрисидаги унча катта бўлмаган баҳс-мунозаралар
- муваффақиятли жамоанинг хусусиятларини қамраб оловчи якка тартибдаги ёки гуруҳли тақдимотлар
- кейс-стади – бизнесдаги жамоавий фаолиятни тасвирлаш
- жамоавий фаолият билан боғлиқ медиа ва журнал мақолалари
- видео-жамоаларда музокаралар олиб бориш.

Гуруҳлардаги иш ўқитишнинг мақбул шакли ҳисобланади, бироқ сиз ҳар бир ўқувчи баҳолаш учун етарли бўлган индивидуал иш натижаларини намойиш этаётганига ишонч ҳосил қилишингиз лозим.

### Ўқитиш мақсадларига эришиш

А ўқитиш мақсади учун ўқувчиларнинг жамоавий фаолиятни ва жамоа самарадорлигининг хусусиятларини тушунишлари муҳим ҳисобланади. Ўқувчилардан ўзлари ишлаган, масалан мактабда ёки коллежда, ишдан ташқари ёки хобби каби ҳар хил турдаги жамоаларнинг ҳар бирини санаб ўтишларини, кейин эса жамоанинг мақсадини аниқлашларини ва синф билан ўртоқлашишларини сўранг.

Ўқувчилардан ўзларининг турли жамоалардаги тажриба ва билимлари ҳамда нима уларнинг фикрларига кўра жамоанинг ютуғига кўмаклашиши тўғрисидаги фикрларини сўраш орқали мавзуни кенгайтиринг.

Интернетда жамоадаги яхши ва ёмон фаолиятни тасвирловчи қўплаб видеоклиплар мавжуд. Ким қуруқ спагеттилар, ёпишқоқ лента ва зефирдан энг баланд минорани қура олишини билиш учун, жамоа тузиш бўйича оддий машқ, «маршмеллоу челлендж» жамоавий ўйинини тақдим этинг. Ҳар бир жамоанинг ютуқларини кузатиб боринг, кейин эса улар бу топшириқни қандай бажарганларини таҳлил қилинг ва уларнинг жамоадаги иш тажрибалари ўртасидаги фарқни бутун синф билан муҳокама қилинг.

В ўқитиш мақсадига эришиш учун ўқувчиларнинг жамоани тузиш усулларини ва иш жамоаларининг динамикасини тушунишлари, шунингдек жамоанинг самарадорлигини баҳолай олишлари муҳим ҳисобланади. Самарали ва самарасиз жамоаларнинг мисолларини келтириш лозим, шунда синф уларни муҳокама қилиши ва ўзининг шахсий мисолларини қўшиши мумкин бўлади.

Жамоалар ҳақида гаплашиш учун маҳаллий ва миллий компаниялардан спикерларни таклиф этиш мумкин. Ўқувчиларга спикер келгунига қадар жамоалар ва улар қанчалик муваффақиятли тузилгани мавзуси бўйича мос келадиган саволларни тайёрлаш топшириғи қўйилиши мумкин. Бу ўқувчиларнинг ушбу фаолиятдан максимал натижа олишларини кафолатлаши лозим.

Ўқувчиларнинг жамоадаги фаолият учун кўплаб имкониятларга эга эканларига ишонч ҳосил қилинг. Ҳамкорликдаги фаолиятнинг афзаллик ва камчиликларини таъкидлаш учун, жумладан феъли оғир инсонлар билан ишлаш ва уларнинг жамоанинг умумий мақсадига қўшган ҳиссаларини йўриқномаларга амал қилган ҳолда турли тадбирларни ўтказиш мумкин. Ўқувчилар жамоа аъзоси сифатидаги ролни ҳам, групраҳбари сифатидаги ролни ҳам ўзларига олишлари лозим.

Ўқувчиларга ўз шахсий кўникмаларидаги ва жамоавий фаолият усулларидаги яхшиланишлар учун салоҳиятларини аниқлаш тавсия этилади. Групраҳдаги машқнинг якунида ўқувчиларга ўз натижаларини таҳлил қилишни ва кейинги сафар нимани бошқача қилишларини аниқлашни таклиф этиш лозим. Яна бир бор таъкидлаш керакки, интернетда яхши ва ёмон иш кўникмалари ҳамда жамоада ўзини тутишнинг мисолларини мустаҳкамлаш учун фойдаланиш мумкин бўлган видеоклиплар мавжуд.

Шахсий иш тўғрисида мулоҳаза юритиш кўникмаларни талаб этади. Ўқувчиларга жамоа аъзоси ва унинг лидери сифатидаги ўз кўникмаларини текшириш, ўзларининг жамоа ишига қўшган ҳиссаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадида асосий соҳаларни аниқлаш учун қатор имкониятлар тақдим этилиши лозим.

## **Баҳолаш бўйича йўриқнома**

Мазкур модул бир қатор мустақил топшириқлар ёрдамида баҳоланади. Ҳар бир топшириқ камидаги битта ўқитиш мақсадини қамраб олиши ва ўқитиш мақсади бутунича баҳоланиши, яъни биттадан мезон бўйича топшириқлар ва қуийи топшириқларга ажратиласлиги керак.

Барча ўқувчилар ўз ишларининг идентификациялаш мумкин бўлган индивидуал далилларини мустақил тарзда ишлаб чиқишилари лозим. Далилларнинг асосий манбалари сифатида, катта эҳтимол билан якка тартибдаги тадқиқотлар билан биргаликдаги якка тартибдаги ёзма ҳисобот, шунингдек баҳоловчилар/ҳамкасларнинг ҳисоботлари ва кузатув ёзувлари билан мустаҳкамланган, ўқувчининг жамоа фаолиятидаги иштироки тўғрисидаги батафсил маълумотни ўз ичига оладиган портфолио ва қайд этишнинг индивидуал журнали хизмат қилиши мумкин.

ВТЕС баҳоловчилари кузатиш ёзувларини тўлдиришлари мумкин. Ўқувчиларларнинг тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган иш кунидаги иш жойлари бўйича ҳамкаслари гувоҳномани тўлдиришлари мумкин. Кузатиш ёзувларининг ўзи далилларнинг етарли даражадаги манбалари ҳисобланмаслигига – ўқувчилар томонидан олинган бошланғич маълумотлар ҳам уларни тасдиқлаши лозимлигига эътибор қаратинг.

## Модулнинг бошланиши

Сизга модулни ўрганишнинг битта усули учун бошланғич нуқта берилади. У спецификацияда келтирилган, тавсия этилган баҳолашга нисбатан ёндашувга асосланган.

### 3-модул: Жамоани қўллаб-қувватлаш ва бошқариш

#### Кириш

Ўқувчиларга модулни гуруҳли муҳокама қилиш орқали тақдим этишдан бошланг. У модулни ўқитиш мақсадининг баёни билан бирга бўлиши мумкин.

#### **А ўқитиш мақсади – Давлат сектори ёки бизнес-муҳитда жамоавий ишларнинг афзалликларини ўрганинг**

- Дастлаб ўқувчилардан гуруҳ ва жамоа ўртасидаги фарқлар тўғрисида йўлаб кўришларини сўранг. Кейин улардан ўзлари қатнашган турли жамоаларнинг, масалан, мактаб ёки коллежда спортга оид фаолият доирасида, ишда ёки дам олишдаги мисолларини келтиришларини сўранг.
- Мазкур жамоаларни муҳокама қилиш ва жамоавий фаолиятдан бизнесда фойдаланиш учун ўқувчиларнинг мисолларидан фойдаланинг.
- Ўқувчиларга иштиёқ уйғотиши ёки рағбатлантириш учун фойдаланиладиган, масалан «жамоада ҳеч қандай МЕН бўлиши мумкин эмас» ёки «барча биргаликда кўпроғига эришади» каби бир қатор классик жамоавий цитаталарни беринг. Синфда уларнинг ҳамкорлиқдаги ишнинг афзалликлари ҳақида нимани билишлари тўғрисида баҳс-мунозара ўтказинг.
- Жамоавий ўйинни тақдим этинг. Ким қуруқ спагеттилар, ёпишқоқ лента ва зефирдан энг баланд минорани қура олишини билиш учун, тўрт ёки ундан кўпроқ одамлардан иборат гурухлардаги ўқувчиларни «маршмеллоу челлендж» да иштирок этишларини сўранг. Ҳар бир жамоага 20 та спагетти, бир метр лента, бир метр арқон ва битта зефир бериш лозим бўлади.
- Жамоанинг алоқаси, лидерлиги, динамикасини, муаммоларни ҳал этишдаги ҳамкорлик, инновациялар, стратегияларни, низоларни олдини олиш/ҳал этишни кўриб чиқиши орқали жамоанинг ишини бутун синф билан муҳокама қилинг.
- Ўқувчиларлардан жамоа тўғрисидага ўз фикрлари билан ўртоқлашишлари учун кичикроқ гурухларда ишлашларини сўранг, кейин эса синфга қайтишдан аввал, улар жамоанинг муваффақияти учун учта асосий ингредиентлар сифатида нималарни ҳисоблашларини санаб ўтинг.

**3-модул: Жамоани қўллаб-қувватлаш ва бошқариш**

**В ўқитиш мақсади – Самарали ишчи гуруҳ шакллантириш учун ишлатиладиган усулларни ўрганиш**

- Жамоанинг қурилиши усуллари мавзусини тақдим этиш учун ўқувчилардан ўзлари биладиган баъзи жамоаларни айтишларини ва ушбу жамоаларнинг ютуқлари ҳамда муваффақиятсизликларини муҳокама қилишни сўранг. Булар, ўқувчилар таниш бўлган ҳар қандай жамоалар бўлиши мумкин, масалан спорт жамоалари, кўнгилочар тадбирларда қатнашаётган жамоалар ва бошқалар.
- Жамоа аъзолари ва раҳбарларининг роллари тўғрисида баҳс-мунозара олиб боринг, кейин эса видеодалиллар ёки шахсий тажрибадан фойдаланиб ўқувчилардан жамоанинг динамикаси унинг умумий самарадорлигига қандай ёрдам беришининг мисолларини ёзишларини сўранг. Олинган натижаларни синф билан муҳокама қилинг.
- Самарали жамоа имкониятлар уйғунлигига эга бўлиши, фақат лидерлик кўникмаларига эга бўлганлардан иборат бўлмаслиги ва жамоанинг ҳар бир аъзосининг қўллаб-қувватлаши жамоага қанчалик фойда келтиришини таъкидлаш учун «ҳеч ким мукаммал эмас, бироқ жамоа мукаммал бўлиши мумкин» иқтибосидан фойдаланиб ўқувчилар муҳокамада иштирок этишлари мумкин.
- Жамоалар ҳақида гаплашиш учун спикерларни таклиф этиш мумкин. Ўқувчилар жамоалар ва уларнинг қандай қилиб муваффақиятли ривожланганлари тўғрисида саволларни беришлари мумкин. Спикер низоларнинг турли манбаларига мисоллар келтириб ва уларни қандай бартараф этиш тўғрисида баҳс-мунозара олиб бориб, гуруҳлардаги низоли ҳолатларни қандай олдини олиш ва юмшатишни тушунтириши мумкин. Мисол тариқасида ўзига иш юкламасининг адолатли улушини олмайдиган гуруҳ аъзосини келтириш мумкин бўлади.

**3-модул: Жамоани қўллаб-қувватлаш ва бошқариш****С ўқитиш мақсади – Амалий фаолият орқали самарали жамоавий иш кўникмаларини ишлаб чиқиш**

- Ўқувчиларнинг мақсадларни мувофиқлаштирган ва уларга эришиш учун жамоавий фаолият кўникмаларидан фойдаланган ҳолда, жамоа ва/ёки гурухларда ишлашнинг кўплаб имкониятларига эга бўлишлари муҳим ҳисобланади.
- С ўқитиш мақсади учун контент тақдим этишнинг турли усуллари мавжуд, жумладан кейин бажариладиган таҳлил ва баҳолаш, видеоклиплар, муғомбирлик/рол ўйини, ўқувчиларнинг шахсий тажрибалари тўғрисидаги мулоҳазалари ва кейс-стадилар ёрдамида тадқиқотлар материалининг таҳлили, орқали жамоавий вазифалар. Сиз уларнинг ҳар бирида топшириқнинг муайян бир қисмида жамоани бошқариш, шунингдек жамоанинг аъзоси бўлиш имконияти мавжудлигига ишонч ҳосил қилишингиз лозим.
- Ўқувчиларни реал жамоавий ҳолатларда шахсий кўникмаларини ва ўзларини тутишларини аниқлаб олишга ҳамда эксперт баҳолашларида қатнашишга йўналтиринг.
- Ўқувчиларга ўзларининг унумдорликлари ҳақида ўйлаб кўришларига ёрдам бериш учун уларни ўзларининг жамоадаги иш тажрибаларининг ёзувларини, масалан журнал юритишга ўхшаш ёзувларни юритишга унданг. Далиллар кузатиш ёзувларини ва баҳолар сиздан ёки тажрибали гувоҳдан қандай олинганини кўрсатувчи гувоҳликларни ҳам ўз ичига олади.

## **ВТЕС нинг бошқа модуллари ва малакаларга ҳаволалар тўғрисида батафсил маълумот**

### **Ресурслар**

#### **Китоблар**

Wheelan, S. A. – *Creating Effective Teams: A Guide for Members and Leaders* (5th edition), SAGE Publications, Inc (2015), ISBN: 9781483346120

Жамоаларни тузиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича амалий йўриқнома.

#### **Веб-сайтлар**

[www.businessballs.com](http://www.businessballs.com)

Жамоавий роллар ва лидерлик учун бепул материаллар, мақолалар ва ғоялар.

[www.businesscasestudies.co.uk](http://www.businesscasestudies.co.uk)

*B Times 100 Business Case Studies* да жамоавий фаолият каби мавзулар бўйича иқтисодий ва бизнесга оид кейс-стадилар мавжуд. Шунингдек, сайтда ўқувчилар учун назарий қайдларнинг сараланган тўплами бор.

[www.mindtools.com](http://www.mindtools.com)

Жамоани бошқариш, жумладан низо сабаблари бўйича бепул материаллар.

<http://study.com/academy/lesson/the-difference-between-groups-and-teams-definition-contrasts.html>

Групхлар ва жамоаларга доир бепул материаллар.

[www.teamtechnology.co.uk/teambuilding.html](http://www.teamtechnology.co.uk/teambuilding.html)

Тимбилдинг асослари ва жамоа билан боғлиқ бошқа мавзуларга доир бепул мақолалар.

[www.youtube.com](http://www.youtube.com)

Жамоанинг ташкил этилиши, жамоада ишлашни билиш ва ҳоказолар каби мавзуларга оид видеога бепул имконият.

*Pearson ташқи интернет-сайтларнинг мазмунига жавобгарликни ўз зинмасига олмайди. Ҳар бир веб-сайтни синфда фойдаланишдан аввал, URL-манзилнинг ҳамон аниқ, ишончли ва ўринли эканига ишонч ҳосил қилиш учун ўқитувчилар томонидан кўриб чиқилиши муҳим ҳисобланади. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни танланган саҳифаларда сақлашни ва ўқувчиларга мактаб/коллежнинг ички тармоғи орқали улардан фойдаланишга руҳсат беришларини маслаҳат берамиз.*

## Иш схемаси

<b>Модул</b>	Жамоани қўллаб-қувватлаш ва бошқариш
<b>Ўқув соатлари</b>	60
<b>Дарслар сони</b>	30
<b>Дарсларнинг давомийлиги</b>	2 соат
<b>Бошқа модулларга ҳаволалар</b>	Қолган барча модуллар

Ўқитиш учун калитлар			
<b>ЁМТ</b>	Ёзма мустақил топшириқ	<b>ММ</b>	Материални мустаҳкамлаш
<b>ТЭС</b>	Таклиф этилган спикер	<b>Т</b>	Ташриф
<b>МЎ</b>	Мустақил ўқтиш	<b>ИТ</b>	Иш тажрибаси

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	<b>Модулга кириш</b>	Ўқитувчи раҳбарлигидаги, шунингдек ўқувчилар учун жуфтликдаги ва гурухли машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Ўқитувчи тақдимоти:</b> модулнинг мазмунини таърифланг ва ўқитиш мақсадлари ҳамда баҳолаш усулларини муҳокама қилинг. Фойдали ресурсларни тақдим этинг.</li> <li><b>Жуфлиқда бажариладиган машқлар:</b> ўқувчилар ўзлари иш тажрибасига эга бўлган турли жамоаларга мисолларни ўйлаб топадилар.</li> <li><b>Гурухлардаги муҳокама:</b> ушбу мисоллардан синфдаги муҳокама учун асос сифатида фойдаланинг.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>Тақдимот слайдлари 1 ва 2.</p> <p>Шаблон 1.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Ўқитувчи тақдимоти:</b> ўқувчиларга ўз муҳокамаларининг натижаларини ва ўқитишнинг асосий томонларини қандай ёзиб бориш бўйича намуна беринг.</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар эслатмалар қиласидилар ва таянч атамалар глоссарийсини янгилайдилар.</li> <li><b>Якуний сессия:</b> ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди.</li> </ul>	
2	<b>Жамоавий фаолият ва ҳамкорлик</b> <b>Жамоаларнинг ўзига хосликлари ва устунликлари</b> (Mақсад А: Мавзу А1)	Ўқитувчи раҳбарлигида, шунингдек ўқувчилар учун гуруҳли машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Ўқитувчи тақдимоти:</b> жамоавий фаолият ҳамда жамоаларнинг ўзига хосликлари ва устунликлари мавзусига кириш. Ўқувчиларга жамоалардаги кейс-стадилардан фойдаланиш имконияти тақдим этилади.</li> <li><b>Кичик гуруҳлардаги машқ:</b> ўқувчилар кейс-стадилар бўйича қисқа тақдимотни тайёрлайдилар ва тақдим этадилар.</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар эслатмалар қиласидилар ва таянч атамалар глоссарийсини янгилайдилар.</li> <li><b>Якуний сессия:</b> ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди.</li> </ul>	Модул спецификацияси. Ўқитувчи томонидан тайёрланган, жамоалар бўйича кейслар Доска ва ручкалар. Тақдимот слайдлари 3. Машқлар учун тарқатма материал 1.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
3	<b>Жамоавий фаолият ва ҳамкорлик Самарали ҳамкорликнинг ўзига хосликлари</b> (Мақсад А: Мавзу А1)	Ўқитувчи раҳбарлигига, шунингдек ўқувчилар учун мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> аввалги дарснинг шарҳи ва мавзуни тушунганларини тасдиқлаш учун ўқувчилар томонидан саволлар ва жавоблар сессиясини ўтказиш.</li> <li><b>Ўқитувчи тақдимоти:</b> Самарали ҳамкорликнинг ўзига хосликлари.</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар эслатмалар қиласидилар ва таянч атамалар глоссарийисини янгилайдилар.</li> <li><b>Якуний сессия:</b> ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди.</li> </ul>	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар. Тақдимот слайдлари 4. Машқлар учун тарқатма материал 2.
4	<b>Жамоавий фаолият ва ҳамкорлик</b> (Мақсад А: Мавзу А1)	Гурухлардаги машқ	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> ўқитувчи ўқувчиларни гурухларга бўлади ва жамоавий тестлашни ўтказади.</li> <li><b>Гурухлардаги машқ:</b> ўқувчилар тестлашда иштирок этадилар.</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар эслатмалар қиласидилар ва таянч атамалар глоссарийисини янгилайдилар.</li> <li><b>Гурухлардаги муҳокама:</b> қандай қилиб жамоадаги фаолият ўқувчиларга «Жамоада бўлишнинг қандай устунлик ва камчиликлари бор?» деган саволга жавоб беришга ёрдам бериш тўғрисида</li> <li><b>Якуний сессия:</b> жамоавий ҳамкорлик ташкилотларга вий ёрдам бериши мумкин?</li> </ul>	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар. Ўқитувчи томонидан тайёрланган тестлаш. Ўқувчиларнинг фаолликлари баённомаси.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
5	<b>Жамоаларнинг ишга асосланган кўриниш ва мақсадлари</b> <b>Жамоаларнинг тузилмаси, кўлами ва турлари ҳамда уларнинг вазифалари</b> (Мақсад А: Мавзу A2)	Ўқитувчи раҳбарлигига, шунингдек ўқувчилар учун якка тартибдаги машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> аввалги дарснинг шарҳи ва мавзуни тушунганларини тасдиқлаш учун ўқувчилар томонидан саволлар ва жавоблар сессиясини ўтказиш.</li> <li><b>Ўқитувчи тақдимоти:</b> жамоаларнинг тузилмаси, кўлами ва турлари ҳамда уларнинг вазифалари.</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар эслатмалар қиласидилар, таянч атамалар глоссарийсини янгилайдилар ва кейинги дарсга тайёрланиш учун жамоалардан фойдаланадиган тадқиқот ташкилотларини кўриб чиқадилар.</li> <li><b>Якуний сессия:</b> ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди.</li> </ul>	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар. Тақдимот слайдлари 5.
6	<b>Жамоаларнинг ишга асосланган кўриниш ва мақсадлари</b> <b>Жамоаларнинг тузилмаси, кўлами ва турлари ҳамда уларнинг вазифалари</b> (Мақсад А: Мавзу A2)	Ўқувчилар учун грухли ва мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> ўқитувчи аввалги дарсни хуносалайди ва жамоаларнинг тузилмаси, кўлами ва турлари ҳамда уларнинг мақсадларининг синфдаги муҳокамасини ўтказади.</li> <li><b>Синфдаги муҳокама:</b> ташкилотларда жамоаларнинг қандай турлари мавжуд ва нима сабабли?</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар эслатмалар қиласидилар.</li> <li><b>Якуний сессия:</b> ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди.</li> </ul>	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
7	<b>Самарали жамоанинг ўзига хосликлари ва устунликлари</b> <b>Самарали жамоаларнинг хусусиятлари</b> (Мақсад А: Мавзу А3)	Ўқитувчи раҳбарлигида, шунингдек ўқувчилар учун кичик гуруҳли муҳокама ва якка тартибдаги машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> аввалги дарснинг шарҳи ва мавзуни тушунганларини тасдиқлаш учун ўқувчилар томонидан саволлар ва жавоблар сессиясини ўтказиш.</li> <li><b>Ўқитувчи тақдимоти:</b> самарали жамоанинг хусусиятлари.</li> <li><b>Кичик-гуруҳлардаги муҳокама:</b> фикрингизча, сизда қандай жамоавий хусусиятлар мавжуд?</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар эслатмалар қиласидар.</li> <li><b>Якуний сессия:</b> хусусиятлар бўйича тақризлар олиш учун мақсадли гуруҳлар. Ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди.</li> </ul>	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар. Тақдимот слайдлари 6.
8	<b>Самарали жамоанинг ўзига хосликлари ва устунликлари</b> <b>Самарали жамоаларнинг хусусиятлари</b> (Мақсад А: Мавзу А3)	Гуруҳлардаги машқ	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> аввалги дарснинг шарҳи ва мавзуни тушунганларини тасдиқлаш учун ўқувчилар томонидан саволлар ва жавоблар сессиясини ўтказиш. Самарали ва самарасиз жамоаларга мисоллар келтиринг.</li> <li><b>Гуруҳлардаги муҳокама:</b> қандай қилиб самарали жамоа ташкилотга фойда келтириши мумкин?</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар эслатмалар қиласидар.</li> <li><b>Якуний сессия:</b> ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди.</li> </ul>	Модул спецификацияси. Ўқитувчи самарали ва самарасиз жамоаларга мисоллар келтиради. Доска ва ручкалар.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
9	<b>Давлат сектори ёки бизнес-муҳитда жамоадаги фаолиятнинг устунликлари - АЗ</b>	Жуфлиқда бажариладиган машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> таклиф этилган спикернинг навбатдаги сессиядаги чиқишига тайёргарлик.</li> <li><b>Жуфлиқда бажариладиган машқлар:</b> ўқувчилар тақлиф этилган спикердан жамоа аъзолари бошқалар билан қандай ҳамкорлик қилишини билиш учун саволлар рўйхатини тузадилар.</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар эслатмалар қиласидилар.</li> <li><b>Якуний сессия:</b> саволларнинг ва уларнинг яроқлилигининг гурухли муҳокамаси. Ким қандай савол беришини ва жавоблар қандай ёзиг борилишини ўқувчиларнинг ўзлари ҳал этадилар.</li> </ul>	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар.
10	<b>Давлат сектори ёки бизнес-муҳитда жамоадаги фаолиятнинг устунликлари - АЗ</b>	ТС	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> тақлиф этилган спикерни қарши олинг ва уни синф билан таништиринг.</li> <li><b>Тақлиф этилган спикернинг ўз ташкилотидаги жамоалар бўйича ҳиссаси:</b> ўқувчилар аввалдан тайёрланган саволларни берадилар.</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар эслатмалар қиласидилар.</li> <li><b>Якуний сессия:</b> саволларга берилган жавобларнинг гурухли муҳокамаси.</li> </ul>	Модул спецификацияси. Ўқувчилар томонидан тайёрланган саволлар варақлари. Доска ва ручкалар.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
11	<b>Жамоадаги фаолият – АЗ</b>	Гурухлардаги иш	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> ўқитувчи синфи гурухларга бўлиб ва материалларни тарқатиб, ўйиннинг шарҳини таклиф этади.</li> <li><b>Гурухлардаги машқ</b> – «маршмеллоу челлендж»: спагетти ва зефирдан энг баланд минорани қуриш.</li> <li><b>Синфдаги муҳокама:</b> ўқувчилар жамоаларининг динамикаси қандай қилиб уларни муваффақиятга эришишларига имконият берганини ёки аксинча, мағлубиятга олиб келганини муҳокама қиласидилар.</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар эслатмалар қиласидилар.</li> <li><b>Якуний сессия:</b> ўрганилганларнинг холосаси.</li> </ul>	Правила челленджа. Челлендж учун материаллар: лента, скотч, қуруқ спагеттилар, зефир. [Зарурат туғилганда тегишли муқобилларидан фойдаланиш мумкин.]
12	<b>Жамоадаги фаолият – АЗ</b>	Ўқитувчи раҳбарлигида, шунингдек ўқувчилар учун гурухли машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> асосий тарафларини жамлаган ҳолда А ўқитиш мақсадини шарҳланг.</li> <li><b>Кичик гурухлардаги машқ:</b> ҳар бир гуруҳ бутун синф томонидан фойдаланиладиган, иккита йирик корхона тўғрисидаги маълумот буклетини ўрганади ва тайёрлайди.</li> <li><b>Умумий машғулот:</b> ўқувчилар ўзларининг фактлар киритилган жадваллари билан ўртоқлашадилар. Ҳар бир ўқувчи ушбу ташкилотлардан бирида иш олиб борадиган жамоалар турлари ҳақида қисқа ҳисобот ёзади.</li> <li><b>Якуний сессия:</b> ўқувчилар эслатмалар қиласидилар.</li> </ul>	Модул спецификацияси. Интернетга уланиш имконияти бор компютерлар. Доска ва ручкалар.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
13	<b>Жамоадаги фаолият - АЗ</b>	Ўқитувчи раҳбарлигига, шунингдек ўқувчилар учун жуфтликлардаги ва гурухли машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> ташкилотга бўладиган ташрифга тайёргарлик.</li> <li><b>Жуфлиқда бажариладиган машқлар:</b> ўқувчилар бизнесда ҳамкорликдаги иш тўғрисида кўпроқ билиш учун мустақил ёки бошқаларнинг кузатуви остидаги бирламчи тадқиқот ташрифи вақтида бериладиган саволлар тўпламини ишлаб чиқадилар.</li> <li><b>Умумий машғулот:</b> ўқувчилар ўз саволларини синф билан ўртоқлашадилар.</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар эслатмалар қиласидилар ва таянч атамалар глоссарийсини тўлдирадилар.</li> <li><b>Якуний сессия:</b> ҳар бир ўқувчи корхонада бериш учун саволларнинг якуний тўпламини тайёрлайди.</li> </ul>	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар.
14	<b>Жамоадаги фаолият - АЗ</b>	B	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Мустақил иш:</b> синфа тайёрланган саволлардан фойдаланган ҳолда, ташкилотга мустақил ёки бошқаларнинг кузатуви остидаги бирламчи тадқиқот ташриф.</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ҳар бир ўқувчи ташкилотда тақдим этилган жамоаларнинг турлари ҳақида қисқа ҳисобот ёзади.</li> <li><b>Якуний сессия:</b> ўқитувчи ташриф чоғида олинган асосий маълумотни мустаҳкамлайди.</li> </ul>	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
15	<b>Жамоадаги фаолият - А</b>	Ўқитувчи раҳбарлигига, шунингдек гурухли машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> ташкилотга ташрифнинг натижаларини жамлаш.</li> <li><b>Гуруҳлардаги муҳокама:</b> ўқувчилар ўзларининг тадқиқот ташрифларининг натижалари билан ўртоқлашадилар.</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар эслатмалар қиласидилар.</li> <li><b>Якуний сессия:</b> ўқитувчи ташриф чоғида олинган асосий маълумотни мустаҳкамлайди.</li> </ul>	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар. Ўқувчилар томонидан ишлаб чиқилган сўровномалар
16	<b>Жамоавий фаолиятнинг шарҳи - А1, А2, А3</b>	Ўқитувчи раҳбарлигига, шунингдек ўқувчилар учун гурухли ва мустақил машқлар ЁА	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> асосий пунктларни жамлаб, А ўқитиш мақсадининг мазмуни шарҳини ўтказинг; мавзуни тушунганларини тасдиқлаш учун ўқувчилар томонидан саволлар ва жавоблар сессиясини ўтказиш. Ташкилотлардаги жамоалар бўйича 1-амалиётни баҳолашни тақдим этинг.</li> <li><b>Гуруҳлардаги машқ:</b> ўқувчилар 1-баҳолашда белгиланган сценарий ва вазифаларни муҳокама қиласидилар.</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар қисқа тақдимотлар тайёрлайдилар.</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар эслатмалар қиласидилар.</li> <li><b>Якуний сессия:</b> ўқитувчи тақдимотларни баҳолайди ва тақриз беради.</li> </ul>	Модул спецификацияси. <b>1-амалиётни баҳолаш</b> (ўқитувчи томонидан тайёрланган). Доска ва ручкалар.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
17	<b>Жамоаларни тузиш ва бошқариш усуллари</b> <b>Жамоавий динамика ва жамоавий алоқа</b> (Мақсад В: Мавзу В1)	Ўқитувчи раҳбарлигига, шунингдек ўқувчилар учун мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> аввалги дарснинг шарҳи ва мавзуни тушунганларини тасдиқлаш учун ўқувчилар томонидан саволлар ва жавоблар сессиясини ўтказиш.</li> <li><b>Ўқитувчи тақдимоти:</b> жамоавий динамика ва жамоавий мулоқот.</li> <li><b>Кичик гуруҳлардаги машқ:</b> ўқувчилар жамоанинг динамикаси ва алоқасини, шунингдек турли вазиятларда бу қанчалик самарали бўлиши мумкинлигини муҳокама қилиш учун мини-гуруҳларда иш олиб борадилар.</li> <li><b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> гуруҳлар ўзларининг синфдаги муҳокамаларининг натижалари тўғрисидаги тақризларни тақдим этадилар.</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар эслатмалар қиласидилар.</li> <li><b>Якуний сессия:</b> ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди.</li> </ul>	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар. Тақдимот слайдлари 7.
18	<b>Жамоавий иштиёқ ва рағбатлантириш</b> (Мақсад В: Мавзу В1)	Ўқитувчи раҳбарлигига, шунингдек ўқувчиларнинг мустақил топшириқлари	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> аввалги дарснинг шарҳи ва мавзуни тушунганларини тасдиқлаш учун ўқувчилар томонидан саволлар ва жавоблар сессиясини ўтказиш.</li> <li><b>Ўқитувчи тақдимоти:</b> гуруҳли муҳокама мисолида жамоада иштиёқ уйғотиш ва уни рағбатлантириш. Мисол, талантли, бироқ иши яхшиланишни талаб этадиган самарасиз жамоани таърифлаши лозим.</li> </ul>	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар. Тақдимот слайдлари 8.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кичик гурухлардаги машқ:</b> ўқувчилар жамоанинг иштиёқини ошириш режасини ишлаб чиқиш учун ўқитувчи тақдим этган мисолдан фойдаланадилар.</li> <li><b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> гурухлар ўзларининг синфдаги муҳокамаларининг натижалари тўғрисидаги тақризларни тақдим этадилар.</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар эслатмалар қиласадилар.</li> <li><b>Якуний сессия:</b> ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди.</li> </ul>	
19	<b>Жамоадаги қўллаб-қувватлаш</b> (Мақсад В: Мавзу В2)	Ўқитувчи раҳбарлигига, шунингдек ўқувчилар учун мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> аввалги дарснинг шарҳи ва мавзуни тушунганларини тасдиқлаш учун ўқувчилар томонидан саволлар ва жавоблар сессиясини ўтказиш.</li> <li><b>Ўқитувчи тақдимоти:</b> гуруҳли тадбирлар мисолини ўз ичига олган ҳолда жамоадаги қўллаб-қувватлаш. Мисол, иши яхшиланишни талаб этадиган самарасиз жамоа билан боғлиқ бўлиши лозим. Жамоанинг муаммолари ишни ва мақсадларни билиш ва тушунишни, ташкилотчиликни, алоқани, ҳамкорликни, ахлоқий томондан ўзини тутишни иш учун етарли бўлмаган кўнилмаларни ўз ичига олади.</li> <li><b>Кичик гурухлардаги машқ:</b> ўқувчилар жамоанинг унумдорлигини ошириш режасини ишлаб чиқиш учун ўқитувчи тақдим этган мисолдан фойдаланадилар.</li> </ul>	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар. Тақдимот слайдлари 9.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> гурухлар ўзларининг синфдаги муҳокамаларининг натижалари тўғрисидаги тақризларни тақдим этадилар.</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар эслатмалар қиласидилар.</li> <li><b>Якуний сессия:</b> ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди.</li> </ul>	
20	<b>В ўқитиш мақсади самарали ишчи гуруҳни тузиш учун фойдаланиладига н усувларни тадқиқ қилиш.</b>	Ўқитувчи раҳбарлигига, шунингдек ўқувчилар учун гуруҳли ва мустақил машқлар ЁА	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> асосий пунктларни жамлаб, В ўқитиш мақсадининг мазмуни шарҳини тақдим этинг; мавзуни тушунганларини тасдиқлаш учун ўқувчилар томонидан саволлар ва жавоблар сессиясини ўтказиш. Баҳолаш учун Иш дафтаридан 1-топшириқни тақдим этинг.</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> ўқувчилар баҳолаш учун Иш дафтаридан 1-топшириқни бажарадилар.</li> <li><b>Гуруҳлардаги муҳокама:</b> 1-топшириқнинг муҳокамаси, тақризлар.</li> <li><b>Якуний сессия:</b> ўқитувчи баҳс-мунозараларнинг асосий тарафларини умумлаштиради.</li> </ul>	Модул спецификацияси. Баҳолаш бўйича Иш дафтарининг 1-топшириғи. Доска ва ручкалар.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
